

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар журналі

SAODAT

1
2018

*Юртимиз равнақига
салмоқли ҳисса
қўшаётган тадбиркорлик
йўналиши ёшларнинг билим
ва тасавурлари билан янада
янгилашиб, мукаммаллашиб,
сайқал топиб бормоқда.*



www.saodat-gul.uz

E-mail: Info@saodat-gul.uz

Ўзбекистон Республикаси
хотин-қизларининг
ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадий,
безакли журнали
“SAODAT”
1925 йилдан чиқа бошлаган

Saodat

1-сон (885) 2018 йил
МУАССИС:
Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитаси.

Бош муҳаррир
Феруза ЖАЛИЛОВА

“SAODAT” КЕНГАШИ:

Танзила НОРБОЕВА
Дилбар НАЖМУДДИНОВА
Муҳаббат ШАРОПОВА
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Ойдин ҲОЖИЕВА
Энахон СИДДИҚОВА
Раҳбархон МУРТАЗОЕВА
Сайёра АБДИКАРИМОВА
Малика ҚОДИРХОНОВА

Бош муҳаррир ўринбосари
Маҳмуда САЪДУЛЛАЕВА

Масъул котиб
Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Босмахонага 7.02.2018 йил
топширилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/8.
Ботиқ босма.
Нашр ҳисоб тобоғи 5,75.
4 буюртма. Адади 4968.
Баҳоси келишилган нархда

2006 йил 22 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0061-рақам
билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:
Тошкент 100011
Навой кўчаси, 30-уй.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Журнал таҳририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи:
Шерзод АБДУРАҲМОНОВ

Мусаҳҳих:
Махсума ЭРГАШЕВА

ТЕЛЕФОНЛАР:
244-89-02, 239-88-02 (факс)
Муҳаррирлар бўлими
244-72-20.

[http://www.
saodat-gul.uz](http://www.saodat-gul.uz)
Электрон
манзилимиз:
info@saodat-gul.uz

“Saodat” журнали ва “Gulchehralar”
газетаси обунаси йил бўйи давом этади.

“Saodat” журнали индекси – 867.
Бир йилда 8 та сон
чоп этилади.

Ushbu sonda:

Янги парвозлар сари қанот

Менинг фикрим



– Мен ҳадемай нафақага чи-
қаман, деб бироз ҳафсаласизроқ
булиб қолган эдим. Шавкат Мир-
зиёевнинг Мурожаатини эшитиб,
Президентимиз бизга шунчалик
ишонч билдириб турганларида нега
мен шиддат билан ишламаслигим
керак, албатта ишлайман, деган қа-
рорга келдим.

8

Эҳтиром

Қалам деҳқонига муносиб эъзоз

10-12



Ўзбекистон ва жаҳон

ЕВРОПА МАРКАЗИДА ЎЗБЕКЧА ТҮЙ

Айфер тўйида атлас кўйлак кийди, куёвининг
бошига дўппи кийдирди...

14-15

Оғриқли нуқталаримиз

ЖАЗО МУДДАТИНИ

ЎТАШДИ, КЕЙИНЧИ?..

Турли хатоликлару адашишлар оқибатида ол-
ган жазо муддатини ўтаб, оиласи бағрига қайтган
маҳкумаларнинг сузлари афсус-надомат, пушай-
монлик, армонларга қоришиқ эди. Мана шу оғриқли
ҳиссиётлар, эзгин хотиралар энди уларни тарбия-
лайди, тубанликка етакловчи у йўллардан қайта
юрмасликка ундайди.

20-24

МУҲТАРАМА ОПА-СИНГИЛАР!

“Gulchehralar” газетаси индекси — 618.
Бир йилда 12 та сон чоп этилади.

Энг дилкаш, самимий
суҳбатдошингиз, сирдошингиз
“Saodat” ва “Gulchehralar”
даврасига шошилинг.

**Гумбольд университети қошидаги
Марказий Осиёни ўрганиш институти
муаллимаси Барно ОРИПОВА
билан суҳбат.**

– Сиз ўн йиллардан бери Берлиндаги машхур Гумбольд университети қошидаги Марказий Осиёни ўрганиш институти талабаларига сабоқ бериб келасиз. Бундай нуфузли таълим даргоҳида фаолият кўрсатиш масъулияти ҳам катта бўлса керак?

– Бу университетга янги ишга келган пайтларимда одатимга кўра дарсларга режалар асосида тайёрланар эдим. Кафедра мудирлари қачон менинг дарсимни текширар экан, деб кутган дамларимни эсласам, ҳозир кулгили туюлади.

Мазкур билим даргоҳида ишлаётганимга ўн йилдан ошди, аммо ҳеч ким бирон марта на дарс режамни, на дарс жараёнини текширмади. Бизнинг энг талабчан ҳакамларимиз талабаларимиздир. Ўнта талабангиз бўлса, ўнта текширувчингиз бор, дегани. Шунинг учун ҳам устозликнинг масъулияти жуда катта.

– Сиз Қирғизистонда туғилгансиз, Тожикистонда ўқиб, турмушга чиққансиз. Ўзбекистонда қариндошларингиз бор, Германияда ишлайсиз. Бундай узоқ манзиллар бир инсон учун оғирлик қилмайдими? Ёки инсонлар бора-бора шундай интеграцияга кўникиши керакмикин?

– Мен Қирғизистоннинг Ўш вилоятида ўзбеклар оиласида туғилганман. Ўрта мактабни битириб, Душанбе шаҳридаги педагогика институтининг чет тиллар факультетида ўқидим. Тақдир тақозоси билан Германияга ишга келдим. Дастлабки йилларда ўзга юртларда ёлғиз яшаганим учун оилам, қариндошларимни жуда соғинар эдим. На шаҳарнинг кўркамлиги, на буюмларга бой дўконлари, на озодлиги кўнглимнинг кемтигини тўлдирар олмасди. Ҳамиша маъюс, маҳзун юрардим. Оилам келгандан кейин ҳам бу кайфиятдан чиқиб кета олмадим. Кейин билсам, одамларнинг бир-бировидан руҳан узоқлиги, шаҳар ҳавосининг хиралиги, узлуксиз ёмғир ёғиши, намлик, қуёш нурларининг етишмовчилиги одамнинг руҳиятига катта таъсир ўтказар экан. Ҳозир бундай шароитга кўникиб кетганман.

– Германиялик талабаларга нималарни ўргатасиз? Улар учун ҳозирлаган китобларингиз, махсус ўқув қўлланма ёки методик тавсияномаларингиз борми?

– Марказий Осиёни ўрганиш институти талабаларига асосан ўзбек ва тожик тилларидан амалий дарс ўтаман. Улар учун ўзбек тилининг



ЕВРОПА МАРКАЗИДА ЎЗБЕКЧА ТҶҲ

қоидаларига оид қўлланма шаклида аудио-видео материаллар ва дарслик тайёрладик. Дарсда талабаларни Ўзбекистоннинг тарихи, ёзувчилари, шоирлари, санъаткорлари, халқининг урф-одатлари, миллий либослари, таомларига оид мавзулар билан таништира борамиз, кечалар ташкил қиламиз. Германияда ўқиётган ўзбек талабалари ёки Ўзбекистондан ташриф буюрган олимлар иштирокида немис талабалари даврасида суҳбатлар, маърузалар уюштирамиз, биргалиқда миллий таомлар тайёрлаймиз.

– Суҳбатимиз Ўзбекистон хотин-қизларининг “Саодат” журнаliga мўлжалланган. Журналхонлар учун қизиқарлироқ мавзуда суҳбатлашсак. Германиялик талаба қизларнинг қайси жиҳатлари сизга кўпроқ маъқул келади?

– Мен таниган талаба қизларнинг аксарияти жуда содда, камтарин. Улар илмга интиладиган, дунё кезиб, дунё танишни истайдиган, мустақил бўлиб, ўз оёғида мустақам туришни хоҳлайдиган

қизлар. Менга уларнинг маънавий бойликка интилишлари ёқади.

– Германияда тўй-маърака маросимлари қандай ўтади? Қўни-қўшничилик, меҳмоннавозлик удумлари қандай? Ҳавас қилса, ибрат олса арзигуликми ёки ўзимизнинг серташвиш, серчиқим тўй-ҳашамларимизни соғинасизми?

– Бу ерда қўни-қўшнилари билан танишиб, учрашиб, суҳбатлашиш учун вақтни олдиндан белгилаш лозим бўлади. Тўйлар эса камдан-кам ўтказиладиган маросим ҳисобланади. Бу маросимга энг яқин қариндошлар, ёру дўстлар таклиф этилади. Бундай маросимлар сокин тарзда, шовқин-суронсиз, ҳашаматсиз, баъзида ҳатто мусиқасиз ўтади.

Олмон аёллари вақтни жуда қадрлашади. Кунлари, соатлари, ҳатто, дақиқаларини ҳам режа асосида тақсимлашади. Фарзандлари бекор юрмайди. Уларнинг ҳар бир соатини фойдали бирон иш билан банд қилиб қўйишади. Кўчада ўйнаб юрган болаларни ҳам кўрмайсиз. Фақат дам олиш кунларигина болалар майдончасида отаси ёки онаси назоратида ўйнаётган болаларни кўриш мумкин. Таътил вақтида ҳам фарзандларига маънавий озуқа беришга интилишади. Олмонларнинг шу жиҳатларидан ибрат олсак арзийди, деб ўйлайман.

– Таълим жараёнида “Саодат” журналидан ҳам фойдаланасизми? Шоира Зулфиянинг бу журналга узоқ йиллар бош муҳаррирлик қилгани ва бугун иқтидорли, истеъдодли ўзбек қизлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилгани тўғрисида ҳам маълумотлар берганмисиз?

– “Гулистон”, “Фан ва турмуш”, “Саодат” журналларида чоп этилган қизиқарли мавзулардаги мақолаларни талабалар билан бирга таҳлил қиламиз. Ёдимда бор, журналдан бешик, аллалар тарихи ҳақидаги мақолаларни ўқиганмиз. Талабаларим “Саодат” номли журнал борлигини, у ўзбек аёллари, қизларининг энг сеvimли журнали эканлигини яхши билишади.

– Фурсатдан фойдаланиб ўзбекистонлик опа-сингилларингизга нима деган бўлардингиз?

– XX асрнинг бошида Абдулла Қодирий “Бахтсиз куёв” номли драма ёзган. Ушбу асарда муаллиф серчиқим тўй маросимларини танқид қилиб, исрофгарчиликка, дабдабабозликка йўл қўймасликка чақирган. 25 ёшли Солиҳ исмли йигит тўй ўтказиш мақсадида қарзга ботади ва қарзини узолмай фожиали тарзда оламдан ўтади. Орадан бир асрдан зиёд вақт ўтибдики, бу мавзу ҳамон долзарблигича қолиб келаётган экан, ўзбекистонлик отахон, онахонларимизга буюк ёзувчимиз Абдулла

Қодирийнинг сўзлари орқали мурожаат қилишни истардим: “Бидъат тўйга исроф бўладурган оқчага ўғилларингиз ва қизларингизни ўқитинглар ...”

– Меҳнат фаолиятингизда эса қоларли қизиқ, ибратли воқеалар бўлганми?

– Айфер исмли талаба қизимизнинг тўйида содир бўлган воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Куёв бола франциялик бўлгани учун тўй Парижда ўтди. Олмонияда ўқиб, улғайган Айфер ўзбек тилини жуда севарди. Халқ қўшиқларини ўрганиб, доира чалиб, рақсга тушарди. Айфернинг ташаббуси билан “Чилтон” номли мусиқа гуруҳи ташкил этилган. Бу гуруҳ Ўрта Осиёдаги ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ халқларининг қўшиқларини, рақсларини ижро этиб, ҳатто “Шарқ тароналари” фестивалида ҳам иштирок этган, томошабинлар эътирофига сазовор бўлган. Бу гуруҳ ҳозир ҳам фаолият олиб боради...

Айфер ўзбек рақсларини ўрганиш учун бир неча бор Ўзбекистонга сафар қилди. Ҳар борганида ҳавас қилиб ўзбекларнинг атлас, адрас матоларидан тикилган либослар, миллий тақинчоқларидан олиб келарди. Тўй куни мени ҳайратга солгани шу бўлдики, Айфер тўйида атлас кўйлак кийди, куёвининг бошига дўппи кийдириб, Парижнинг марказий кўчаларидан бири бўйлаб, мусиқа садолари остида никоҳ уйигача пиёда бордик. Бунақа манзарани умрида кўрмаган парижликлар бизга ҳайрат билан боқишди, машиналар тўхтаб, йўл беришди.

Бу қизимиз ўзбекларни, уларнинг урф-одатини шунчалик севар эканки, умрида бир марта бўладиган тўй маросимида ўз урф-одатларидан воз кечиб, ўзбекларнинг кийимини афзал кўрди. Ўшанда қувонгимдан кўзларим ёшланганди.

– Мароқли, қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур! Европанинг қоқ марказидан туриб, “Саодат” журналининг минглаб мухлисларига тилақларингиз бўлса, марҳамат!

– Раҳматли отам зиёли инсон бўлган. Улар: “Аввал қизларимни ўқитаман. Чунки қиз бола бировнинг хасми, эрининг қўлига қарайди. Ҳаётнинг минг турли синовлари бор. Худо кўрсатмасин, бошига бир мусибат тушиб ёлғиз қолса, ҳеч кимга муҳтож бўлмасдан, ўзини ўзи таъминлайдиган бўлсин”, дердилар. Отамизнинг жойлари жаннатда бўлсин, опа-сингил ўқиб, кам бўлмадик.

Истагим – ўзбекистонлик опа-сингилларимизнинг барчаси зиёли, ҳеч бўлмаганда бирор хунарли бўлишсин.

Уларнинг ой юзларидан табассум аримасин. Жаннатмакон Ўзбекистоннинг осмони мусаффо, тинчлиги бардавом бўлсин!

Баҳодир КАРИМ суҳбатлашди.
2017 йил ноябрь, Берлин.